

№	MUNDARIJA	Page
1.	<i>YANGI O'ZBEKISTON IQTISODIYOTI SHAROITIDA AHOLINI IJTIMOIY HIMoyalashning Moliyaviy Zarurligi va Ahamiyatini</i> Ametova Fotimajon Rozmatovna	3
2.	<i>PRIMENEНИЕ МСФО 17 В СТРАХОВОЙ СИСТЕМЕ УЗБЕКИСТАНА: ПЕРСПЕКТИВЫ ВНЕДРЕНИЯ И ПОТЕНЦИАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ. АНАЛИЗ РЕЗЕРВОВ И ЗАКОНОДАТЕЛЬНЫХ БАРЬЕРОВ</i> Баратова Динора Алишеровна	6
3.	<i>SUG'URTA POLISINI TANLASHDAGI MUAMMO VA AFZALLIKLAR</i> Yo'ldoshova Aziza Muzaffar qizi	10
4.	<i>O'ZBEKİSTONDA "YASHIL SUG'URTA" MAHSULOTLARINI JORIY ETISH MASALALARI</i> Xasanov Farrux Ravshanovich	13
5.	<i>SUG'URTA TASHKILOTLARINING INVESTITSIYA FAOLIYATINI TAKOMILLASHTIRISH</i> Umarova Gulnora Akromovna	16
6.	<i>O'ZBEKİSTONDA AVTOMOBİL TRANSPORT SUG'URTASINI TAKOMILLASHTIRISH</i> Rustamov Sherzod Raxmataliyevich	18
7.	<i>O'ZBEKİSTONDA AVTOTRANSPOST SUG'URTASINI RIVOJLANTIRISHDA XORIJ TAJRIBASINING O'RNI</i> Yakubova Nargiz Tursunbayevna, Rustamov Sherzod Raxmataliyevich	20
8.	<i>O'ZBEKİSTONDA SUG'URTA TIZIMI VA UNDAGI XAVFLAR</i> Mirzamahmudova Madina Odiljon qizi, Akbaraliyeva Diyora	22
9.	<i>ПЕРСПЕКТИВЫ И БАРЬЕРЫ РАЗВИТИЯ ИСЛАМСКОГО СТРАХОВАНИЯ (ТАКАФУЛ) В УЗБЕКИСТАНЕ</i> Мурадова Дилдора Абдусалимовна	26
10.	<i>YASHIL SUG'URTA TURLARINI RIVOJLANTIRISH YO'NALISHLARI: ILMIY-NAZARIY VA AMALIY YONDASHUV</i> Erkaboev Yorbek Boirbekovich	31
11.	<i>MILLIY SUG'URTA BOZORIDA INFORMATSION RISKLARNI SUG'URTALASHNI</i> Xolbaev Azamat Yuldashevich	34
12.	<i>ПРЕИМУЩЕСТВА СТРАХОВАНИЕ И ЕГО РОЛЬ В ЭКОНОМИКЕ</i> Умарова Хуршида Олимжоновна	38
13.	<i>OLIY TA'LIM MUASSASALARINI MOLIYALASHTIRISH MANBALARINI</i> <i>DIVERSIFIKATSİYALASH: HOMİYLIK MABLAG'LAG'LARIDAN FOYDALANISH</i> Dildora Bohodirovna Abdusattarovna	42
14.	<i>SUVEREN KREDIT REYTING AGENTLIKARINING BAHOLASH METODOLOGIYASIDAGI KAMCHILIKLARI T AHLILI</i> Tog'aunuylayev Shohzodbek Ural o'g'li	45
15.	<i>ЗЕЛЁНЫЕ ОБЛИГАЦИИ И КРЕДИТЫ: НОВЫЙ ВЕКТОР УСТОЙЧИВОГО РОСТА УЗБЕКИСТАНА</i> Гульмухамедова Дилбар Бахтиер кизи, Каримов Комилжон Хамидович	48
16.	<i>ЗЕЛЕНАЯ ЭКОНОМИКА УЗБЕКИСТАНА: ПУТЬ К УСТОЙЧИВОМУ РАЗВИТИЮ СТРАНЫ</i> Гульмухамедова Дилбар Бахтиер кизи	51
17.	<i>ПРОБЛЕМЫ ПЕРЕСТРАХОВАНИЯ И НИЗКОЙ КАПИТАЛИЗАЦИИ СТРАХОВЫХ КОМПАНИЙ: ОПЫТ УЗБЕКИСТАНА</i> Муминова Ансора Улугбек кизи	54
18.	<i>БАНК СЕКТОРИДА ФИРИБГАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШДА СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИНГ ЎРНИ</i> Козоқов Шахбоз Ортиковаевич	57
19.	<i>ЗЕЛЁНЫЕ ОБЛИГАЦИИ И КРЕДИТЫ: НОВЫЙ ВЕКТОР УСТОЙЧИВОГО РОСТА УЗБЕКИСТАНА</i> Гульмухамедова Дилбар Бахтиер кизи, Каримов Комилжон Хамидович	61
20.	<i>SUKUKLARNI JAHON AMALIYOTIDAGA O'RNI TAHLILI</i> Shoxbozbek Adxamjonov Bobirjon o'g'li	64
21.	<i>АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ТАРКИБИ ВА ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИНИ ТАҲЛИЛИ</i> Хожиев Жахонгир Душабаевич	67
22.	<i>MINTAQALARNI IQTISODIY RIVOJLANTIRISHNING METODOLOGIK ASOSLARI VA ULARNI TAKOMILLASHTIRISH</i> Toshaliyeva Saodat Toxirovna	71

“O'ZBEKISTON SUG'URTA BOZORI” JURNALI TAHRIR KENGASHI A'ZOLARI

1. Teshabayev To'lqin Zakirovich (Kengash raisi, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor).
2. Maqsudov Davron Sanjarxo'jayevich (Kengash raisi o'rribbosari, Istiqbolli loyihalar milliy agentligi direktori o'rribbosari).
3. Azimov Rustam Sadikovich ("O'zbekinvest" eksport-import sug'urta kompaniyasi" AJ bosh direktori, iqtisodiyot fanlari doktori).
4. Mehmonov Sultonali Umaraliyevich (Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti prorektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor).
5. Abdurahmonova Gulnora Qalandarovna (Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti prorektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor).
6. Sindarov Sherzod Egamberdiyevich (Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti prorektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor).
7. Zakirov Latif Xamidullayevich (Moliya vazirligi huzuridagi TKFJMS qoshidagi To'lovlarni kafolatlash jamg'armasi direktori).
8. Xalilov Oybek Nasirovich (O'zbekiston sug'urta bozori professional ishtirokchilari uyushmasi kengashi raisi).
9. Qurbonov Xayrulla Abdurasulovich (TDIU Xalqaro va milliy reytinglar bilan ishslash markazi rahbari, dots.).
10. Quldashev Qamariddin Mansurovich (TDIU "Sug'urta ishi" kafedrasni professori, DSc, bosh muharrir).
11. Zaynalov Jahongir Rasulovich (Samarqand iqtisodiyot va servis instituti "Moliya" kafedrasni mudiri, iqtisodiyot fanlari doktori, prof.)
12. Shennayev Xojayor Musurmanovich (TDIU "Sug'urta ishi" kafedrasni mudiri, DSc, prof.).
13. Boyev Xabibullo Ismoilovich (TDIU "Sug'urta ishi" kafedrasni professori, iqtisodiyot fanlari doktori).
14. Ortiqov Furqat A'zamjonovich ("Kafil Sug'urta" AK sug'urta kompaniyasi direktorlar kengashi raisi).
15. Nurullayev Abdulaziz Sirojiddinovich (O'zbekiston madaniyat va san'at instituti professori, i.f.n. dots.).
16. Merident Randles (FSA, MAAA. Principal & Consulting Actuary. Katta maslahatchi, UNDP-Milliman Global Actuarial Initiative).
17. Ong Xie (FIA, FSAS. Dastur menejeri, UNDP-Milliman Global Actuarial Initiative. Olmosh: She/Her).
18. Hasanov Xayrulla Nasrullahayevich (TDIU Besh tashabbus markazi rahbari, i.f.b.f.d.).
19. Mamadiyarov Zokir Toshtemirovich (TDIU "Moliya bozori va sug'urta" kafedrasni mudiri, iqtisodiyot fanlari doktori).
20. Mutalova Dilorom Maxamadjanovna (TDIU "Soliqlar va soliqqa tortish" kafedrasni professori, iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori).
21. Imomov Hamdilla Hamdamovich (TDIU "Korporativ moliya va qimmatli qog'ozlar" kafedrasni professori v.b., falsafa fanlari doktori).
22. Kenjayev Ilxom G'iyozovich (TDIU Magistratura bo'yicha dekan o'rribbosari, i.f.b.f.d., dots.).
23. Yadgarov Akram Akbarovich (TDIU "Yashil iqtisodiyot" kafedrasni professori v.b., iqtisodiyot fanlari doktori).
24. Yuldashev Obiddin Toshmurzayevich (TDIU "Sug'urta" kafedrasni professori v.b. i.f.d.).
25. Samadov Asqarjon Nishonovich (TDIU "Marketing" kafedrasni dotsenti, universitet Kengashi kotibi, fanlar nomzodi).
26. Baratova Dinara Alisherovna (TDIU "Sug'urta" kafedrasni dotsenti, t.f.n. kotib).
27. Qarshiyev Daniyar Eshpo'latovich (TDIU "Sug'urta" kafedrasni dotsenti, i.f.n., bosh muharrir).
28. Nomozova Qumri Isoyevna (Bank-moliya akademiyasi dotsenti, PhD).
29. Hamdamov Shoh-Jahon Raxmat o'g'li (TDIU "Korporativ moliya va qimmatli qog'ozlar" kafedrasni dotsenti, i.f.n.).
30. Maxmudov Samariddin Baxriddinovich (TDIU "Korporativ moliya va qimmatli qog'ozlar" kafedrasni dotsenti, i.f.n.).



АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ТАРКИБИ ВА ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИНИ ТАХЛИЛИ

Хожиев Жахонгир Душабаевич

Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти

E-mail: xojiyevjaxongir1@gmail.com

doi: https://doi.org/10.55439/INS/vol2_iss3/307

Annotasiya: Мазкур маколада Ўзбекистон Республикаси аҳолиси даромадлари таркиби ва уларни тартибга солиш механизmlарининг амалий ҳолати таҳлил қилинган. Даромадларнинг ўсиш суръатлари, камбағаллик даражасининг динамикаси ва истеъмол харажатлари таркибининг ўзгариши Энгел қонуни мезонлари асосида баҳоланган. Шу билан бирга, ижтимоий адолат ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда аҳоли даромадларини қайта тақсимлаш сиёсатига алоҳида ургу берилган.

Kali' so'zlar: аҳоли даромадлари, даромадлар таркиби, қайта тақсимлаш, Энгел қонуни, камбағаллик, ижтимоий сиёсат, истеъмол харажатлари, реал даромадлар, инфляция, макроиқтисодий барқарорлик.

Abstract: This article analyzes the structure of household income in the Republic of Uzbekistan and the practical state of mechanisms for its regulation. The growth rates of income, the dynamics of poverty levels, and the changes in the composition of consumer expenditures are assessed based on the criteria of Engel's law.

Special emphasis is placed on the policy of income redistribution to ensure social justice and macroeconomic stability.

Keywords: household income, income structure, redistribution, Engel's law, poverty, social policy, consumer expenditures, real income, inflation, macroeconomic stability.

Абстрактный: В данной статье проведён анализ состава доходов населения Республики Узбекистан и механизмов их регулирования на практике. Темпы роста доходов, динамика уровня бедности и изменения в структуре потребительских расходов оценены на основе критерииев закона Энгеля. Особое внимание уделено политике перераспределения доходов населения в контексте обеспечения социальной справедливости и макроэкономической стабильности.

Ключевые слова: доходы населения, структура доходов, перераспределение, закон Энгеля, бедность, социальная политика, потребительские расходы, реальные доходы, инфляция, макроэкономическая стабильность.

Kirish

Кириш (Introduction/Vведение).

Ривожлангаётган мамлакатлар иқтисодиётида аҳоли даромадлари таркиби, уларнинг ўсиш суръати ва тартибга солиш механизmlари ниҳоятда муҳим аҳамиятта этадир. Чунки аҳоли даромадлари нафақат ижтимоий фаровонликнинг асосий мезони, балки ички истеъмол бозоридаги талаб шаклланишини, миллий иқтисодиётдаги инвестиция салоҳиятини ва макроиқтисодий барқарорликни белгилайдиган муҳим омиллардан бири хисобланади. Ўзбекистон Республикасида аҳоли турмуш даражасини ошириш, камбағалликни кискартириш ва ижтимоий тенгликни таъминлаш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган.

Сўнгти йилларда мамлакатда аҳолининг даромад манбалари диверсификация килиниб, уларнинг реал ўсишини таъминлашга каратилган ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда иш ҳақи, нафақалар, тадбиркорлик фаoliyatiдан тушумлар, давлат ёрдамлари ва бошқа расмий ҳамда норасмий даромадлар асосий роль ўйнамоқда. Шу билан бирга, даромадларни қайта тақсимлашнинг самарали механизmlарини жорий этиш — ижтимоий адолатни таъминлаш ҳамда аҳоли ўртасидаги иқтисодий тенглизлики камайтиришнинг асосий воситасига айланмоқда.

Ушбу маколада аҳоли даромадлари таркиби ва унинг динамикаси, камбағаллик даражаси ва истеъмол харажатлари структураси Энгел қонуни асосида таҳлил қилинади. Шунингдек, мавжуд даромадлар тартибга солиш механизmlарни ва уларнинг самарадорлиги баҳоланади. Мазкур таҳлил Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатни янада такомиллаштириш, аҳоли

фаровонлигини ошириш ва макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Обзор литературы/Literature review).

Мамлакатимизда аҳоли даромадларини изчил ошириш ва унинг ижтимоий қатламлари ўртасидаги даромадлар тенглизлигини тартибга солишининг молиявий механизми илмий-назарий ва амалий асосларига бағишлиланган замонавий тадқикотлар ўрганилган.

Lynch ва бошқаларнинг фикрича, даромадлар тенглизлиги ва соглиқ боғлиқлиги тўғрисидаги гипотезага асосан аҳоли ўлими ва саломатлигига даромад тақсимоти кучли таъсир кўрсатади. Гипотеза учун далиллар даромадлар тенглизлигини камайтиришга қаратилган қайта тақсимлаш сиёсатини кўллаб-кувватлади. Баъзи истиснолардан ташқари, жумладан, Wagstaff ва van Doorslaer, Mellor ва Milyo, Gravelle, Beck-field ҳамда Jen ва бошқалар олиб борган тадқикотларни хисобга олмаган ҳолда, иқтисодчи олимлар (Shmueli, 2004; De Vogli ва бошқалар, 2005; Ram, 2006; Dorling ва бошқалар, 2007; Babones, 2008; Karlsson ва бошқалар, 2009; Biggs ва бошқалар, 2010; Idrovo ва бошқалар, 2010) томонидан олиб борилган аксарияти охири илмий тадқиқотларнинг натижасида ушбу гипотеза ўз тасдиғини топган.

Шунингдек, Tsiddon ва Galor, Zweimuller ва Foellmining фикрича, даромад тенглизлиги илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари ва технологиялар ривожланишига ёрдам беради ба уйқисодий ўсишга олиб келади[1].

A.Marshallning бир Shilling пул бирлигининг бой ижтимоий қатлам аҳоли қатламига нисбатан камбағалга келтирадиган баҳт бениҳоят юқори эканлиги ҳақидаги аргументи ҳам тасдиклайди [2].

Saez фикрича, иктисодий ўсиш мамлакатнинг иктисодий баркарорлик ўлчови сифатида кенг кўлланилади ва тараққиёт ва бошқа ҳодисаларнинг иктисодий ўсишга таъсири макроиктисодиётнинг муҳим муаммосидир. Ўтган бир неча ўн йиллликлар ичida даромад тенгсизлиги дунё бўйлаб сезилари даражада ортиб бормоқда [3].

Сиёсатчилар томонидан инқизолзар даврида ижобий натижаларга эришиш учун даромадлар тенгсизлигининг иктисодий ўсишга таъсирини баҳолашга катта кизикиш билдирилган [4].

Шунга қарамай, даромадлар тенгсизлиги иктисодий ўсишга таъсири кўрсатадиган каналларни тушунтириша турли мунозаралар ноаник прогнозлар билан кўплаб назарияларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Масалан, Perotti, Alesina ва Rodrikning таъкидлашича, аҳоли даромадлари тенгсизлиги хукуматлар томонидан қайта тақсимлаш сиёсати ва аҳолининг бой қатлами учун юкори даромад солиги орқали киритилган номутаносиблеклар туфайли иктисодий ўсишга салбий таъсири килади [5].

Asetoglu фикрича эса давлат бюрократияси ва самарасиз институтлари иктисодий ўсишга таъсири килади ва бу муаммо даромадлар тенгсизлигини ошириш орқали кучаяди[6]. Бундан ташқари Galor, Zang, Aghion ва бошқаларнинг таъкидлашича, аҳоли даромадлари тенгсизлиги иктисодий ўсишга салбий таъсири кўрсатади, номуккамал капитал бозорлари туфайли аҳолининг кам таъминотли қатламлари учун таълимга киришга тўқсинали килади ва мамлакатда инсон капитали шаклланишига салбий таъсири кўрсатиши мумкин. Шунингдек, даромадлар тенгсизлиги ижтимоий муаммоларнинг ўсиши туфайли сиёсий бекарорликка олиб келади ва шунинг учун иктисодий ўсишга салбий таъсири кўрсатади, чунки инвестициялар учун рагбатлантиришлар бўлмайди. Бироқ бошқа иктисадчи олимларнинг фикрича, даромадлар тенгсизлиги ўсишга хисса кўшади, чунки у аҳолининг бой қатламларида жамгарашни оширади ва бу йирик ҳажмдаги инвестицияларни амалга оширишини таъминлайди.

Иктисадчи А. Аззамов Ўзбекистонда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг прогрессив моделидан текис шкалага асосланган моделига ўтиш билан боғлик ислоҳотларга тўхталиб таъкидлаганидек, “Даромад солигини хисоблаш учун солик базасига нисбатан кўлланиладиган прогрессив солик ставкаларининг 2 ва 3 шакалари бўйича минимал иш ҳақининг асос килиб олиниши уларнинг ортиши хисобига солик тўловларининг миқдор жиҳатдан кўпайиб боришига олиб келади” [7].

Тадқиқотни амалга оширишда фойдаланилган усуллар (Methods/ Методы).

Мазкур илмий маколада аҳоли даромадлари таркиби, уларнинг ўсиш суръатлари, даромадларни тартибга солиш ва қайта тақсимлаш механизмларининг Ўзбекистон шароитидаги амалдаги ҳолати комплекс тарзда ўрганилди. Ушбу тадқиқот мобайнида илмий таҳлилнинг умумий услублари, шунингдек, маҳсус статистик услублар: анкета орқали текшириш, статистик гурухлаш, танланма кузатиш, иктисодий индекслар, динамика қаторлари, корреляцион-регистрация таҳлил ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилган.

Тахлиллар (Analysis/Анализ).

Мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишидаги асосий стратегик мақсадлардан бири – ялпи ички маҳсулотнинг реал кийматини аҳоли эҳтиёжларининг ўсишидан юкори суръатда ва баркарорлик билан ошириш орқали таъминлашдир. Й. Шумпетерга кўра, иктисодий ўсиш – бу жамиятда ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмининг ортиши ва унинг ишлаб чиқариши омилларининг миқдорий ўсиши билан бирга, уларнинг сифат жиҳатидан ҳам баркарор ривожланишидир [8] ўз ифодасини топади. Иктисодий тизим (мамлакат, минтақавий ёки глобал миқёсда) доирасида маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ва уларнинг сифати яхшиланиши билан белгиланади. Аммо, баркарор иктисодий ўсиш амалий жиҳатдан аввало, мамлакатда ишлаб чиқариладиган реал ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига нисбатан ўсиши орқали кўриниб туриши мумкин. Бу, ўз навбатида, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадларнинг ортишига олиб келади ва мамлакат иктисодий салоҳиятининг аҳоли фаровонлигини ошириш учун янги имкониятлар яратишга хизмат килади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиши натижасида аҳоли жон бошига реал даромадларнинг ошиши

ҳар доим ахборот даражасини яхшилашга қаратилган стратегик мақсадларни тўлиқ ифодаламаслиги мумкин. Аммо, макроиктисодий миқёсда бу жараён аҳоли даромадларининг моддий асосини ташкил этади. Чунки юкори иктисодий ўсиш натижасида умумий даромадлар ошган бўлса-да, киска муддатли иктисодий инқизолзар ва даромадларни аҳоли турли қатламлари ўртасида адолатсиз тақсимлаш, бой ва камбағал қатламлар ўртасидаги ижтимоий фарқларни кучайтириши мумкин. АҚШлик сиёсатшунос Жеймс Девис ўзининг “Дейвснинг J-эрги чизиги” номли инқилобнинг ривожланиш назариясида, узоқ муддатли иктисодий ўсишдан кейин мамлакатдаги иктисодий ахволнинг ёмонлашиши оммавий норозилкларга ва ҳатто инқилобларга олиб келиши мумкинлигини таъкидлайди.

Шунинг учун, стратегик нұктай назардан, аҳоли реал даромадларни ижтимоий қатламлар ўртасида қайта тақсимлаш макроиктисодий сиёсатнинг муҳим максадларидан бири бўлса-да, уни амалга оширишдаги асосий омил баркарор иктисодий ўсишни таъминлашдир. Чунки айнан иктисодий ўсиш аҳоли даромадларининг моддий ва молиявий асосини яратади.

1-жадвал


Аҳоли даромадлари кўрсаткичларининг йиллик ўсиш суръати¹ (Ўтган йилга нисбатан фоизи)

№	Кўрсаткичлар	2019	2020	2021	2022	2023	2024
1.	Аҳоли умумий даромадлари ўсиши	115,7	113,5	124,2	121,6	115,4	118,5
2.	Аҳоли жон бошига узмий даромадларнинг ўсиши	119,3	111,3	122,7	122,3	112,6	116,1
3.	Аҳоли реал умумий даромадларнинг ўсиши	104,2	98,2	110,5	106,9	102,4	108,1
4.	Аҳоли жон бошига реал умумий даромадларнинг ўсиши	107,7	98,6	109,9	106,9	102,8	105,9

Хусусан, аҳоли жон бошига реал умумий даромадларининг йиллик ўсиши 2019 йилда 115,7 фоизни, 2024 йилга келиб эса 118,5 фоизни ташкил килган. 2020 йилдаги глобал пандемия билан боғлик иктисодий тургунликнинг кузатилиши аҳоли даромадларининг таҳлил килинаётган барча кўрсаткичларидағи ўсиш суръатининг пасайиши ва ҳатто пасайиши (аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар 2020 йилда- 98,6 фоизга пасайиш) суръатини кузатилишига олиб келган.

Шуни аҳолида таъкидлаш жоизки, таҳлил килинаётган даврнинг дастлабки йилларидағи аҳоли умумий даромадларининг йиллик юкори ўсиш суръати (2000,2005 ва 2010 йиллар) кузатилиб, ушбу даврлардаги юкори инфляцион босим кузатилганига қарамасдан аҳоли реал умумий даромадларининг юкори йиллик ўсиши кузатилган. Натижада аҳоли жон бошига реал даромадларнинг ҳам юкори йиллик ўсиши 117,4-120,1 фоиз диапазонида төбранган.

Демак, ушбу даврларда аҳоли реал даромадларини ошириш давлат сиёсати орқали уларнинг турмуш фаровонлигини ошириш бўйича катор натижаларга эришилган. Хусусан, аҳоли реал даромадларини ошириш давлат сиёсатида кам таъминланган аҳоли қатламини камайтириш масаласи ҳам устувор аҳамият каеб этган.



1-расм. Ўзбекистон Республикасида кам таъминланган аҳолининг ўсиши².

1-расмдан кўришимиз мумкинки, 2000 йилда умумий ўзиҳжаликли бўйича аҳолининг 27,5 фоизи кам таъминланган деб ҳисобланган. Лекин таҳлил давомида бу кўрсаткич изчил камайиб, 2020 йилга келиб 11,5 фоизга тушган. Кам таъминланганлик даражаси Жаҳон банкининг тавсияларига асосан аникланган бўлиб, у инсон учун зарур бўлган кунлик 2100 ккал озиқ-овқат маҳсулотлари минимал истеъмол корзинасига таянган ҳолда баҳоланганди. 2021 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 544-сонли қарорига мувофиқ[9] “Камбағаллик” ёки “Камбағаллик чегараси”

мезонларида асосий ургу “ҳаёт кечириш учун зарур минимал эҳтиёжлар...” ёки “минимал истемол харажатлари киймати...” каби микрокомпонентлар олинган бўлса-да, уларни молиявий таъминлашнинг реал иқтисодий имкониятлари орқали аниқланishi бевосита даромадлар сиёсатининг ижтимоий аҳамиятини яна бир бор тасдиқлади.

Камбагаликни баҳолашда кўпинча фақат даромад даражаси эмас, балки сарф-харажатлар корзинасининг сифати ҳам асосий мезон сифатида қаралади. Хусусан, минимал истемол харажатларининг солиштирма даражаси ушбу тоифага кирувчи аҳолининг аниқ ҳолатини белгилашда мухим аҳамият қасб этади. Аҳоли шахсий даромадлари хисобидан амалга оширадиган истемол харажатлари таркибида ноозик-овқат маҳсулотларига сарф-харажатлар улушининг ошиши (озик-овқат маҳсулотлари истемолига нисбатан) фаровонликнинг асосий кўрсаткичи хисобланади. Бу ҳолат Энгел Конуни[10] билан ифодаланган.

$$e_{Q(A(PB))} = \frac{\Delta Q_A}{\Delta I} * \frac{I}{Q_A} \quad (1.1)$$

Ушбу қонунга мувофик, истемолчиларнинг харажатлари таркиби уларнинг даромадларига боғлик равища ўзгаради. Даромадлар ўсиши билан бирга, истемол харажатларининг таркибида озик-овқат маҳсулотларига нисбатан ноозик-овқат товарлари ва хизматларга йўналтирилган харажатлар улушининг ошиши кузатилади. Бу эса турмуш даражаси ва фаровонликнинг мухим кўрсаткичи сифатида этироф этилади.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2000-2024 йилларда аҳоли истемол харажатларининг таркиби ўзгариши³ (фоизда)

№	Харажатлар таркиби / йиллар	Истемол							
		2000	2005	2010	2015	2021	2022	2023	2024
1.	Озик-овқат маҳсулотлари	61,4	58,2	53,2	47,3	47,2	47,4	51,2	52,3
2.	Озик-овқат маҳсулотларига харажатлар улушининг мутлақ ўзгариши		-3,2	-5	-5,9	-0,1	-0,2	3,8	-1,1
3.	Ноозик-овқат маҳсулотлари	25,8	25,7	26,9	32,3	37,8	38,5	38,7	37,3
4.	Ноозик-овқат маҳсулотларига харажатлар улушининг мутлақ ўзгариши		-0,1	1,2	5,4	5,5	5,3	5,5	5,2
5.	Ҳамигитлар	12,8	16,1	19,9	20,4	20	24,5	23,5	24,6
6.	Ҳамигитларга харажатлар улушининг мутлақ ўзгариши		3,3	3,8	0,5	-0,4	2,1	2,8	3,2

Жумладан, истемол харажатлари таркибида ноозик-овқат маҳсулотларига ажратилган харажатлар улуси 2000 йилда 25,8% бўлган бўлса, 2024 йилга келиб 37,3%га етган. Ноозик-овқат маҳсулотларига сарф-харажатлар улушининг мутлақ ўзгариши динамикасига назар ташласак, фақаттинга 2021 йилнинг ўзида 2015 йилга нисбатан бу кўрсаткич 5,5%га ўсгани кайд этилган.

Бироқ, истемол харажатлари таркибида озик-овқат маҳсулотларига йўналтирилган сарф-харажатларнинг мавжуд ҳолати ва динамикасини таҳлил килганда, Энгел қонуни мезонларига кўра, аҳолининг турмуш фаровонлиги талаб этилган даражада таъминланмаганинг кўзга ташланади. Бу ҳолат қуйидаги омиллар билан изоҳланади:

Биринчидан, Энгел қонунiga мувофик, аҳоли даромадларининг ўсиши озик-овқат маҳсулотларига сарфланадиган харажатлар улушининг мутаносиб равища пасайишига олиб келиши керак. Аммо таҳлил килинган 2-жадвал мальумотларига кўра, аҳоли даромадларини ўсиши суръатига нисбатан озик-овқат маҳсулотларига харажатлар улушининг камайиш суръати секин кечган.

Иккинчидан, Энгел қонунiga мувофик, аҳоли даромадларининг 2017 йилга келиб 47,2 %ни ташкил килиши турмуш фаровонлиги нуктаи-назардан аҳоли даромадларининг барқарорлигини ифодаламайди.

Юкоридаги факултатларга асосланган ҳолда Ўзбекистонда якуни истемол усулида хисобланган ялпи ички маҳсулот⁴, миллий валютада, трлн. сўм

Курслантичар йиллар	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023
Ялпи ички маҳсулот	221,4	235,4	317,5	426,6	532,7	605,5	738,8	995,5	1204,4
Декабр истемоли	173,8	205,4	248,7	321,5	402,9	455,6	562,6	810,5	928,9
Декабр юнитари	58,3	65,8	92,5	158,7	222,7	241,9	298,1	347,1	416,9
Товарлар ва хизматлар таркиби	-7,1	-11,6	-19,9	-74,8	-84,8	-81,1	-120,5		
Статистика тафсиз	-3,6	-4,3	1,2	-21,1	-8,2	-9,1	-1,8	-1,3	-3,9

З-жадвалдан кўриш мумкинки, 2015 йилда мамлакатда яратилган ЯИМ 173,8 трлн сўм ҳажми якуни истемол фондига сарфланган бўлса, 2023 йилга келиб ушбу кўрсаткич 1 204,4 трлн. сўмга ўсган. Ялпи жамгариши эса 2015 йилда 58,3 трлн. сўмдан 2023 йилга келиб 416,9 трлн. сўмга ўсган. Демак хулоса килиш мумкинки, якуни истемол ЯИМда асосий салмоқни ташкил қилиб, ушбу жараён истемолни таркиби кесимидағи таҳлиллар асосида аҳоли даромадлари орқали истемол қай даражада рағбатлантирилаётганинги кўриб ўтамиш.

4-жадвал

Якуни истемол харажатлари таркиби ва динамика⁵

Кўрсаткичар йиллар	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024
Якуни истемол харажатлари	100	100	100	100	100	100	100
Уй ўжаликлари	81,0	77,4	77,5	77,5	77,8	77,6	78,2
Декабр бошқарувчи орқали	17,8	21,4	21,6	21,8	22,1	22,5	22,3
Уй ўжаликлинига нисбатан кўрсатувчи нотижолари	1,2	1,3	0,9	0,8	1,4	1,6	2,1

Уй ўжаликларининг истемол харажатлари пасайиш тенденциясига эга бўлса-да, ЯИМни истемолида юқори улушки ташкил килмоқда. Уй ўжалилигига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларининг якуни истемол харажатларидаги улуси 2023 йилда 1 физзини, 2024 йилга келиб эса 0,6 га ўсган. [11]

Хулоса (Заключение/Conclusion).

Юкоридагиларга асосланган ҳолда қуйидаги хулосаларни тизимлаштириш мумкин:

Аҳоли даромадлари ва унинг таркиби мақроиқтисодий мувозанатни таъминлашда мамлакат иқтисодиётини жорий ва стратегик ривожланшишининг моддий-молиявий асосини ташкил қилид. Хусусан, фискал инструментлар асосида тартибга солиш аҳоли даромадларини ошириш билан параллел равища шахсий тасаруфидаги даромадларни истемол ва жамгариш фондлари нисбатларида таҳсиланишига таъсир этади. Истемолга нисбатан чегаравий мойилликни рағбатлантириш орқали мамлакатда ялпи истемол талабини оширишга имконият яратади. Бу ўз навбатида жорий ҳолатда иқтисодий ўсишни харакатга келтирувчи асосий омил хисобланади.

Аҳолининг шахсий тасаруфидаги даромадлари хисобига уларнинг жамгаришга чегаравий мойиллигини оширишга қаратилган фискал сиёсат орқали ялпи кўшилган кийматнинг жамгариши фондларида тўпланиши стратегик контекстда мамлакат иқтисодиётини ривожлантириши ички инвестиция салоҳитини оширишининг моддий-молиявий негизини ўзида мужассамлаштиради. Шуни алоҳида таъқидлаш жоизки, аҳоли даромадини солиқка тортишдаги прогрессив солиқка тортиш тизими биринчи навбатда истемолни рағбатлантириша юқори самарадорликка эга хисобланади. Чунки ушбу солиқка тортиш тизимида солик юкини аҳоли даромадларининг номинал кийматига нисбатан табакалаштириш имкониятлари яратилиб нисбатан паст даражадаги даромадларга нисбатан пасайтирилган солик ставкасини қўллаш истемолга чегаравий мойилликни рағбатлантиради. Бунинг оддий мантикий асоси сифатида паст даромад олувчи аҳоли даромадларининг асосий кисми истемол бюджетини шакллантиришга йўналтирилиши исбот талаб қилмайдиган аксиома хисобланади. Колаверса прогрессив солиқка тортиш тизими аҳоли даромадлари ўртасидаги дисбалансни мувозанатлаштиришнинг мухим фискал инструменти эканлиги ҳалкаро амалиётда ўз тасдигини топган.

Аҳоли даромадлари таркибида бирламчи даромадлар саломгининг оширилиши хисобига истемол ва жамгариш меъёрларининг ялпи ўсишини таъминлаш орқали макоқуламда барқарор иқтисодий ўсишнинг мустаҳкам молиявий негизини ўзида мужассамлаштиради. Чунки аҳоли шахсий тасаруфидаги даромадлари таркибида иккимачи даромадлар деб номланувчи ижтимоий трансферлар улшининг юқори улушга эга бўлиши аҳолининг демографик пасайиши муаммосини кучайтиради.

3-жадвал

Жорий пархларда якуни истемол ўсулида хисобланган ялпи ички маҳсулот⁴, миллий валютада, трлн. сўм

Курслантичар йиллар	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023
Ялпи ички маҳсулот	221,4	235,4	317,5	426,6	532,7	605,5	738,8	995,5	1204,4
Декабр истемоли	173,8	205,4	248,7	321,5	402,9	455,6	562,6	810,5	928,9
Декабр юнитари	58,3	65,8	92,5	158,7	222,7	241,9	298,1	347,1	416,9
Товарлар ва хизматлар таркиби	-7,1	-11,6	-19,9	-74,8	-84,8	-81,1	-120,5		
Статистика тафсиз	-3,6	-4,3	1,2	-21,1	-8,2	-9,1	-1,8	-1,3	-3,9

Фойдаланилган адабиётлар (References/Литературы):

1. Galor O. and Tsiddon D. Technological Progress, Mobility, and Economic Growth. *The American Economic Review*, 1997, 87 (3), 363-382. Retrieved May 16, 2020, from www.jstor.org/stable/2951350; Foellmi R. and Oechslin M. Why progressive redistribution can hurt the poor. *Journal of Public Economics*, 2008, 92 (3-4), 738-747.
2. Маршалл А. Принципы экономической науки. В 3 т. – М.: Инфра-М, 1993. – 217 с.
3. Saez E. Striking it Richer: The Evolution of Top Incomes in the United States (Updated with 2018 estimates). Retrieved: March 25th, 2020. From: eml.berkeley.edu/~saez/saez-UStopincomes-2018.pdf.
4. Piketty T. and Goldhammer A. 2015. The Economics of Inequality. Cambridge, Massachusetts; London, England: Harvard University Press. Retrieved May 16, 2020, from www.jstor.org/stable/j.ctvjnrtk.
5. Alesina A. and Rodrik D. Distributive politics and economic growth. *Quarterly Journal of Economics*, 1994, 109, 2, pp. 465-90; Perotti R. Growth, Income Distribution, and Democracy: What the Data Say. *Journal of Economic Growth*, 1996, 1 (2), 149 -187. Retrieved April 15, 2020, from: www.jstor.org/stable/40215914.
6. Acemoglu D. An Introduction to Modern Economic Growth. *Journal of Economic Theory*, Elsevier, vol. 2007, 147 (2), pages 45-550; Acemoglu D., Ticchi D. & Vindigni A. Emergence and persistence of inefficient states. *Journal of the European Economic Association*, 2011, 9 (2), 177-208.
7. Агзамов А.Т. Жисмоний шахсларни соликқа тортиш амалиётини такомиллаштириш. / Иқтисодиёт фанлари бүйіча фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2019 ж.
8. Йозеф Шумпетер (1883—1954). Теория экономического развития. Дата обращения: 18 декабря 2012. Архивировано из оригинала 26 декабря 2013 года
9. "Аҳолининг минимал истемол харажатлари қўймати ва камбагаллик чегарасини ҳисоблаш тартиби тўғрисида"ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 27 августдаги 544-сон карорига илова. <https://lex.uz/docs/5606697>
10. М. А. Сажина, Г. Г. Чибирков. Экономическая теория : учеб. для вузов. — 2-е изд., перераб. и доп. — М.: Норма, — 672 с.: ил - 2007 год
11. Баратова Динора Алишеровна. (2024). СУФУРТА БОЗОРИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИННОВАЦИЯЛАР. *Insurance Market of Uzbekistan*, 1(12), 51–52. https://doi.org/10.55439/INS/vol1_iss12/236.